
БУЮК БРИТАНИЯНИНГ WERNER CAPITAL ИНВЕСТИЦИОН КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНАДА ЧИҚИНДИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЛОЙИХАСИГА 13 МЛН. ДОЛЛАР САРМОЯ ЙЎНАЛТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Буюк Британиянинг чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасига сармоялар киритишга ихтисослашган Werner Capital инвестицион компанияси бошқарув кенгаши раиси Томас Вернерни ҳамда унинг маҳаллий ҳамкорларини қабул қилди.

Учрашувда Werner Capital компаниясининг сармоялари ҳисобига Фарғона тумани Саткак қишлоғи яқинида жойлашган марказий чиқиндихона ҳудудида амалга ошириш режалаштирилаётган, қиймати 13 млн. доллар бўлган икки босқичли чиқиндини қайта ишлаш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Дунёнинг қатор давлатларида бу соҳага салмоқли сармоя киритганликларини, жумладан, Қозоғистонда 2009 йилда чиқиндини қайта ишлаш соҳасига киритган инвестициялари ҳам муваффақиятли бўлганини қайд этган Томас Вернер, ҳозирги кунда қоғозни ҳамда пластикни қайта ишлаш борасида қўшни давлатда энг етакчи корхона бўлиб турганликларини маълум қилди.

Режага кўра, “ноль чиқинди” тамойили асосида амалга ошириш кўзда тутилаётган лойиҳанинг биринчи босқичида 3 млн. доллар инвестиция йўналтирилиб, чиқиндиларни ажратиш ҳамда уларнинг камида учдан бир қисмини экологик тоза усулда қайта ишлаш йўлга қўйилади. Иккинчи босқичда 10 млн. долларлик лойиҳани амалга ошириш ҳисобига иккиламчи хомашёга айлантириш имконияти бўлмаган чиқиндилардан RDF ёқилғиси ҳамда қишлоқ хўжалиги учун компост усулида органик ўғит ишлаб чиқариш белгиланган. Лойиҳа кунлик 500 тонна чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

Музокаралар натижасида вилоят ҳоқимлиги, Werner Capital инвестицион компанияси ҳамда маҳаллий ҳамкор “Orgsell” компанияси ўртасида лойиҳани амалга ошириш бўйича уч томонлама ҳамкорлик келишуви имзоланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-08 19:29:11